



Савол:

Бир киши бировдан насияга машина сотиб олса, шу шарт биланки, ҳар ойда 250 доллар жами 6000 долларни 20 ой мобайнида тўлаб адо қилиши керак, агар 21- ойда тўлалигича тўлай олмаса, тўланган пулларни ҳам (қанча бўлса ҳам), машинани ҳам тортиб олиб қўядиган бўлса, "бу бай"нинг ҳукми нима? илтимос шу саволимга жавоб беринглар, бизда шундай воқеалар кўп бўляпти ва кўп мўъминлар шу сабабдан зулим кўряпти.

Жавоб:

Агар улар "бай" қилишаётган вақтларида шунга шарт қилишган бўлсалар бу бай фосид. Чунки, шарт тўғри эмас. Агар тўловчи одам 20-ойдаги бўлакни беришдан ожиз бўлган бўлса қарз берувчи сабр қилиши ва муҳлат бериши керак, молни ҳам, машинани ҳам тортиб олиши ҳаром. Бу қилмиши учун Аллоҳ олдида жавоб беради, унинг бу амали одамларнинг молларини ботил йўллар билан ейишга киради, Аллоҳ бундан қайтарган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳажжатул вадодо айтганлар: "Қонларингиз, молларингиз ва обрўларингиз бир-бирингизга ҳаромдир..." ва яна бир ҳадисларида: "Ким бир мусулмондан дунё қийинчилигини кетказса Аллоҳ ундан киёмат кунининг қийинчилигини кетказди" деганлар. У арзимаган молни деб Аллоҳ қаҳрига учрамасин, озгина сабр қилиб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам башоратига эришишни кўзласин!